




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 81 (8.971)

1997 йил

16 июль, чоршанба

Сотувда эркин нархда

Қурилиш

Истиқлолимизнинг биринчи кунидан бошлаб Ўзбекистонимизда нефть мустақиллигига эришиш йўлида савий-ҳаракат қилиб келинмоқда. Бугунги кунда бу яхши ниятнинг махсули яққол кўзга ташланиб қолди. Фикримизнинг далили сифатида «Фаргона» ва «Олтиариқ» нефть маҳсулотларини қайта ишлаш заводи, «Мингбулок» нефть қони ва ниҳоят Бухорода бунёд этилаётган Қоровулбозор нефть маҳсулотларини қайта ишлаш корхонасини келтириб ўтиш мумкин.


Саноат

НЕФТЬ МУСТАҚИЛЛИГИ ЙЎЛИДА

Шу ўринда оқшомхонларда машиналар учун бензин ва дизель ёқилгилари ишлаб чиқарилиши эндиликда талабни тўла қондира оладими, деган савол пайдо бўлиши табиий. Жавоб тариқасида «Ҳа, қондира олади», деган сўзни айтиш мумкин. Ҳозир четдан мулқоло ёқилгилар олмайд кўйганлигимизнинг ўзи ҳам бу жавобнинг асослигини исботлаб турибди.

Лекин ёқилгилар сифати масаласидаги эътирозлар ҳали ҳам давом этмоқда. Яқинда ишга ту-

ХУНАРМАНДЛАР ШАҲАРЧАСИ



ланган қурилиш ишлари белгиланган муддатдан аввалроқ ниҳоясига етказилди. «Хунармандрлар шаҳарчаси»ни Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигининг буюртмасига кўра «Омадли Шер» хусусий қурилиш фирмаси бунёд этмоқда.

Биз қурилиш участкасининг бошлиғи Умид Юсупов билан суҳбатлашдик.

— Ишчиларимизнинг тез ва сифатли меҳнат қилаётганлигининг боиси шундаки, фирма улар ишлаб тошган кундалик иш ҳақини тўхтатмасдан тўламоқда. Демак ишладингми, ҳақини олавер. Демак, қурувчилар ўзлари бажарётган тезкор ишдан манфаатдордирлар. Шу боисдан ҳам ҳамма виждонан ва сийқидилдан меҳнат қилишни ўз бурчи деб билади. Бинобарин бу ерда ўз касбининг усталари ва фидойилари кўплаб топилади. Бригада етакчиси Тохир Дехқонов, ёш теруучилар Шомурод Раҳмонов, Мақсуд Имонкулов, Юсуп Махмуродов шулар жумласидандир.

Шуни айтиш керакки, ёш теруучилар ўз ишларини деярли ниҳоясига етказдилар. Энди навбат сувоқчиларга келди.

Бунёд этилаётган ушбу хунармандрлар устaxonаси ёнига 38-ўрта мактаб ҳам қўйилган. Бундай қўшниқнинг истиқболлари яна ҳам равшан: келажда шу мактабда тахсил кўраётган ўқувчилар усталар бажарётган ишларни, улар қўлидан чиқаётган бири-бирдан ранг-баранг хунармандрчилик буюмларини кўриб ўз-ўзидан ўз касбини ўрганишга иштиёқ ошиши тўғрисида гап. Демак, халқ усталининг шоғирдлари ҳам етарли бўлади.

Сайд СОЛИЕВ. СУРАТЛАРДА: илгир ёш теруучи Хусан Хўжамкулов; «Хунармандрлар шаҳарчаси» қурилишида иш сурувати кун сайи ошмоқда.

Рустам Шарипов олган суратлар.

бўлган. Мустақиллик шарофати тўғрисида хунармандрчилик санъатини ривожлантиришга ҳам муҳим эътибор қаратилмоқда.


Бинобарин пойтахтимизда ҳадемай «Хунармандрлар шаҳарчаси» шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига ўз маҳсулотларини тақдим эта бошлади. Бу шаҳарчада ўнлаб мисгарлик, дурадгорлик, темирчилик ва бошқа шу қаби ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган ху-

нармандрчилик устaxonалари фаолият кўрсатади.

Ушбу иншоотда тер тўкиб меҳнат қилаётган бунёдкорлар уни Мустақиллик байрамига топиширишга аҳду паймон қилишган.

Хўш, биз сўз юритаётган ушбу шаҳарча қаерда, деб сўрасиз. У Эски шаҳарнинг «Чорсу» меҳмонхонаси ёнига бунёд этилмоқда.

Бу ерда қурилиш ишларининг бошланганига унча кўп бўлгани йўқ. Шу йилнинг апрель ойида бош-



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Марказий сайлов комиссияси бўшаб қолган ўринига Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш юзасидан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий кенгаши тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб, 1997 йил 13 июль кунини «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси»га сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 11, 24 ва 45-моддаларига мувофиқ, 1941 йилда тузилган, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий кенгашининг биринчи котиби, 1-Тошкент давлат тиббиёт институтининг ректори Турғунпўлат Обидович Дамминовни 22-Шайхонтоҳур сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олди.

АХБОРОТ

14-Феруза округи сайлов комиссияси бўшаб қолган ўринига халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш юзасидан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари йигини тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб, 1997 йил 12 июль кунини «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 24 ва 44-моддаларига мувофиқ, 1946 йилда тузилган, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг биринчи ўринбосари Аҳмажон Жалиловни 14-Феруза сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб рўйхатга олди.

най садолари одамларни богдаги катта ҳа-
шарга қорлади. Йил бошида дастлабки та-
мал тоши қўйилган қурилишда сўнгги пар-
дозлаш ишлари олиб бориляпти. Қўл ўр-
тасидаги антика музқаймоқ зали улкан са-
кизоёқ шаклида қурилган. Ишнинг ўзи-
га хос, антикалийи шундаки, сувга тегиб
турган «пайпаслагич»лар ичига 4 кишилик
ўриндиқлар ўрнатилган. Бу жойларда ат-

ми Мидхат Йўлдошевни ҳашарчиларнинг
ўртасида, иш устида учратдик.
— Қаранг, ярим кундаёқ қанчалик кўп
ишлар бажарилди, — дейди Мидхат ака
мамнунли билан. — Бугун бу ерда туман-
даги бюджет ташкилотлари — халқ таъли-
ми, соғлиқни сақлаш бўлимлари, маҳалла
вакиллари ҳам ишлаяпти. Одамларнинг
кайфиятини кўрдингизми, қандай кўтарин-

Ҳашар

КЎРКАМ САЙИПҒОҲ БЎЛАДИ

рофни баҳузур кузатиб, музқаймоқхўрлик
қилиш мумкин. Тез кунларда бу жой ишга
тушган, болажонларнинг энг сеvimли мас-
канига айланади. Ушбу ноёб иншоот ту-
мандаги «Кавсар фидойи» масъулияти че-
кланган жамиятининг лойиҳаси ва иштиро-
кида бунёд этиляпти. Шу ўринда «Кавсар
фидойи»нинг «Антика» кўнгил очиш оро-
моҳи Сергелидагина эмас, балки бутун
пойтахтда ҳам машҳур эканлигини айтиш
ўринлидир.

...Ҳамма жойда иш қизғин. Туман ҳоки-

сати. — Бу — «Гейзер» фаввораси,
30 метр баландликка отилади...

Ҳа, бог чироий кун сайи эмас, соат
сайин очилиб борапти. Мана, кириш ар-
ки гумбазининг пўлат асослари ерда
пайвандланиб, тахт қилинди. Энди уни
кўтарма кран ёрдамида жойига ўрнатил-
ган, пардозлаш ишлари бошланади. Бир
томонда ер текисланиб, сугориш қувур-
лари ётқизилляпти. Йўлқаларга ҳовур
чиқиб турган иссиқ асфальт тўкилиб, те-
кисланипти. Ҳар жойда электр пайванд-
ларнинг «ялт-юлт»и кўзга ташланади. Ерга
ётқизилган кичик бетон плиталарнинг
орасига қум тўкиляпти.

...Кўёш тик келгач, ҳашарчилар сал-
қин хиёбонда ёзилган тўкин дастур-
хон атрофида тушлик қилдилар. «Ша-
рқ сорбони» жамоа корхонаси ўз хи-
собидадан ҳашарчилар учун дастурхон
ёзиб, юз килограмм гуручдан ош дама-
лади.

Ҳашар кечгача давом этди. Унда қат-
нашганлар оз қулардан сўнг фарзанд-
лари билан бог йўлқаларида сайр қила-
ётди; бу бизнинг боғимиз, мана бу йўлка-
лар, хиёбонлар қурилишида қатнашган-
миз, дея гурур билан сўзлаб берадилар...

Баҳодир ХАСАНОВ.



АНГИЛИКЛАР
ВОКЕЛАР
ХАБАРЛАР

ширилиши мўлжаллаб турилган Қоровулбозор
нефтни қайта ишлаш корхонаси ўз маҳсулотини
бера бошлагач, сифатсизлик масаласига ҳам
узил-кесил чек қўйилди.

Янги корхонада жаҳон андозалари талабига
тўла жавоб бера оладиган даражада ёқилгилар маҳ-
сулотлари ишлаб чиқарилади.

Тўрт йилда қуриб битказилиши кўзда тутил-
ган бу иншоот муддатидан илгари фойдаланиш-
га топирилиши қувончлидир. Ҳозир ишчилар
корхонанинг биринчи навбатини фойдаланиш-
га топириш юзасидан бўлган барча тайёргар-
лик ишларини ниҳоясига етказишмоқда.

Албатта бўлажак корхона учун тажрибали му-
тахассислар ҳам керак. Шунинг эътиборига олиб,
ўтган йилнинг ноябрь ойида 300 ва 600 киши-
дан иборат бўлган икки гуруҳ чет элларга бо-
риб тажриба ўрганиб қайтди. Айни пайтда улар
Қоровулбозорда янги усқуналарни ишлаш жа-
раёни билан танишиб, малака оширмоқдалар.

Заводда ишлаётганлар учун барча шарт-ша-
роитлар муҳайё. Нефтичилар шаҳарчасида 644
та икки қаватли коттеж қуриб битказилди. Уни-
нг ярмини ҳайъат аъзолари қабул қилиб олиш-
ди. Қолганлари эса яқин кунларда фойдала-
нишга топирилади. Бундан ташқари бу ерда
ўнлаб маданий-маиший хизмат кўрсатиш ўчоқ-
лари, ясли ва мактаблар барпо этилди.

Қоровулбозор тумани ташкил этилганида бу
ерда ҳаммаси бўлиб 8 минг нафардан кўпроқ
аҳоли яшарди. Нефтни қайта ишлаш заводи қу-
рилиши шарофати билан бу сон 20 мингга
етди. Яъни бу шунча киши иш билан муқим
таъминланди деган сўзидир. Бу албатта, мамла-
катимиз бўйлаб кенг оқимлаётган туб иқтисо-
дий ислохотларнинг яна бир самарасидир.

Ушбу масалалар журналистлар учун ташкил
қилинган давра суҳбатининг меҳмонлари — Ўз-
бекистон нефть маҳсулотлари билан таъминлаш
ҳиссасдорлик бирлашмаси бош директори-
нинг ўринбосари Юсуф Аҳмедов, Тошкент ви-
лояти нефть маҳсулотлари билан таъминлаш
корхонаси директори Фаттоҳ Иброҳимовларнинг
сўзлари ва журналистларнинг савол-жавобла-
рида баён этилди.

Шунингдек давра столида авиакеросин ва
авиабензин ишлаб чиқариш, дизель ёқилгиси
маҳсулотлари ҳамда Тошкент шаҳри, умуман
республика миқёсида АЁҚШ ларни хусусийлаш-
тириш, маҳсулот сифатсизлиги, ёқилгилар нарх-
навоси масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

**Сергели туманида олтин йирик
иншоотни Мустақиллигимизнинг ол-
ти йиллигига бағишлаб, байрамга
тўғна қилиш режаланган. Туман мар-
казидаги маданият ва истироҳат бо-
ғи ҳам ана шундай қурилиш майдон-
ларидан бири.**

Умумий майдони 7,5 гектарни ташкил
этувчи бу оромгоҳ ишга тушган, гузал-
ликда бетакор маскан бўлади. Туман
ҳокимлигининг ҳўжалик ҳисобидидаги ка-
питал қурилиш бўлими томонидан 9,5
минг метр ҳажмли сунъий кўл, «Сакки-
зоёқ» болалар қаҳвахонаси, оромгоҳга
қираверишдаги аркли дарвоза, 3,200
ўринли ёзги саҳна мажмуаси қуриб бит-
казилиш арафасида турибди. Шунинг-
дек, бу ерда бош пудратчи, — «Паркент-
суқурилиш» бошқармасига қарашли 3-
механизациялашган кўма колонна, «Ка-
молот» масъулияти чекланган жамият,
ёпик турдаги «Стрела» ҳиссасдорлик жа-
мийатининг бунёдкорлари ҳам астойдил
меҳнат қилишляпти.

Қуни кеча бу богда ўтказилган умум-
халқ ҳашарида тумандаги корхоналар,
ташқилотлар, муассасалар жамоалари
билан бирга кўплаб маҳаллалар аҳли ҳам
фаол қатнашдилар.

...Эрта тонгданок янграган қарнай-сур-



МАМПАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Қўқдумалоқ қонида улкан ком-
прессор станцияси бунёд этган ушбу иншоот
қурилиши барча қатнашчиларига табрикнома
йўллади. Бу табрикнома 14 июль кунини ушбу
иншоотнинг тақдирот маросимида Бош ва-
зирнинг биринчи ўринбосари Исмомил Жўра-
беков томонидан ўқиб эшиттирилди.

• Президент Ислом Каримов 14 июль кунини
Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкило-
ти Бош котиби Жанкарло Арагонани, кеча эса
Қўқдумалоқ компрессор станцияси қурилиши-
да иштирок этган Америка ва Япония компа-
ния ва корпорациялари раҳбарларини қабул
қилди.

• Наманган вилояти галлакорлари қабул пук-
нклари 173 минг тонна дон етказиб бериб,
давлат буюртмасини бажардилар.

• Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий ҳам-
да Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва
хусусийлаштириш мажмулари мажлислари-
да йилнинг биринчи ярми ақунлари муҳокама
этилди.

• Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ-
да Ўзбекистон ҳукумати билан БМТнинг мам-
лакатимиздаги ваколатхонаси ўртасида «Ўз-
бекистонда демократлаштириш, инсон ҳуқуқ-
лари ва бошқарув тизими (1-босқич)», деб
номланган дастур имзоланди.

• Кеча Ташқи ишлар вазирлигининг Қабул-
лар уйида Ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Ко-
милов дипломатик корпус ва халқаро ташки-
лотлар вакиллари, хорижий журналистлар учун
шу йил сентябрь ойида Тошкентда ўтказила-
диган «Марказий Осиё — ядро қуриолдан хо-
ли зона» халқаро анжумани билан боғлиқ ма-
салалар юзасидан брифинг ўтказди.

• Қаршининг бош майдонида 32 метрли,
ғойий ва бадий ечимига кўра уч қисмдан
иборат Мустақиллик тимсоли ўрнатилди.

• Ўзбекистон Миллий тикланиш партияси-
нинг навбатдаги пленумида Президент Ислом
Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағаси-
да: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шарт-
лари ва тараққиёт кафолатлари» китобидан
келиб чиқадиган вазифалар ҳамда ташкилий
масалалар кўриб чиқилди.

• Япониянинг «Нише Иваи корпорейшн»
компанияси вице-президенти Мамаитсу Го-
то «Соғлом авлод учун» жамғармасига юз ми-
нг АҚШ доллари миқдорида хайрия бадалини
топишди.

• Тошкентда Италиянинг асосан кичик ва
ўрта бизнес учун машина-усқуналар ишлаб чи-
қаришга ихтисослашган «Фата груп» компа-
ниясининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.
Ушбу компания Тошкент вилоятида қишлоқ ҳў-
жалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан
боғлиқ бир неча лойиҳаларни амалга оши-
ришни мўлжалламоқда.

ЖАҲОНДА

• Бугун Бишкек шаҳрида таниқли адиб Чин-
гиз Айтматов ташаббуси билан бундан 10 йил
муқаддам ташкил этилган «Иссиққўл анжум-
ни»нинг ЮНЕСКО шафелигидаги навбатдаги
учрашуви бошланади. Унда ЮНЕСКО Бош ди-
ректори Федерико Майор, Қирғизистон Пре-
зиденти Аскар Акаев, Туркия Президенти Су-
лаймон Демирел иштирок этиши мўлжалла-
няпти.

• Бугун Грузия Президенти Эдуард Шева-
рднадзенинг АҚШга расмий ташрифи бош-
ланди.

• Бугун Нью-Йоркда Бирлашган Миллат-
лар Ташкилотининг Бош ассамблеяси халқаро
ҳамжамият аъзолари мулқак кўнчилиги
овози билан Исроилнинг Шарқий Қуддусда
яҳудийлар учун турар жойлар қуриш режаси-
ни қоралган қарор қабул қилди.

• Бугун Украина парламенти Президент то-
монидан Бош вазирликка тавсия этилган Ва-
лерий Пустовойкенонинг ягона номзодини
кўриб чиқиши керак.

• Ҳамдўстлик давлатлари бўйлаб сафар қи-
лаётган Покистон ташқи ишлар вазирлиги Гав-
ҳар Аюб Хон бугун Бокуга келиб,
Озарбайжон раҳбарияти билан музока-
ралар ўтказди. У бунгача Россия ва
Туркменистонда ҳам бўлди.

• Яна Ингуштон билан Осетия ўртаси-
даги моҳоро алангалана бошлади. Кеча Ин-
гуштон президенти Руслан Ашвев Россия
Хавфсизлик кенгаши котиби Иван Рибкин бил-
лан учрашиб, бу икки мухтор республика че-
гарасида Россия Президентининг бевосита
бошқарувини йўлга қўйишни таклиф этди.
Осетия Президенти Асхрбек Галазов эса
Кавказ республикалари раҳбарлари иштиро-
кида минтақадаги вазиятни муҳокама этиш-
ни таклиф этмоқда.

• Англиянинг Кембриж шаҳарчасида Бухо-
ро ва Хива шаҳрларининг 2500 йиллигига
бағишланган кўргазма ўтказилди.

• Италиялик миллиардер, Фарбадаги юксак
мода яратувчилар энг ёрқин намоёндалари-
дан бири Жан Версаче ўзининг АҚШнинг
Майами Бич шаҳридаги уйи олдига номаълум
қотил томонидан отиб ўлдирилди.

• «Мир» орбитал станциясининг яқинда юк
кемаси билан тўқнашиб кетиши натижасида
ишдан чиққан «Спектр» бўлмасини таъмир-
лаш ушбу халқаро экипаж командири Васи-
лий Циблиевда дафъатан юрак хасталиги
аниқланганлиги сабабли кечиктирилди. Энди
АҚШнинг НАСА раҳбарияти билан бу экипаж
таркибидидаги Майкл Фозлнинг ушбу таъмир-
лаш ишларида иштирок этиши мумкинлиги
масаласи муҳокама этилади. Агар бу маса-
лада бир қарорга келинмаса, «Спектр»ни
таъмирлаш 5 августда космик фазога учри-
лиши мўлжалланаётган янги кема экипажи то-
монидан амалга оширилади.

• Россия ҳукумати қабул қилган қарорига
биноан «Россия кредити» банки биринчи бў-
либ аҳолига бозор нархларида олтин сотиш-
ни бошлади. Жисмоний шахслар томонидан
сотиб олиш учун 20, 50, 100, 500 ва 1000
грамм олигин куймалар таклиф этиляпти.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа иншоотларини таъмирлаш юзасидан режадаги про-
филактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан 1997
йил 17 июлдан 11 августга Шахристон, Хисор, Қонибодом,
Шўрөб, Дўстмухамедов, Нурмухамедов кўчаларида яшовчи
34/35-АТС абонентларида алоқа бўлмайд.


Тошкент шаҳар телефон тармоғи ва радиоллаштириш
ишлаб чиқариш бирлашмаси.



● «Зилола» маҳалласининг оқсоқоли Тўхта Эшхўжаев ва маҳалла фаоли Людмила Вачева навбатдаги иш режаларини муҳокама қилишмоқда.



● Хусайн Бойқаро кўчасида бунёд этилаётган троллейбус йўли қурилишида ғайрат кўрсатаётган «Шод йўли» ҳиссдорлик жамияти илғор йўлсозлари.



● Насос, дренаж қурилмаларини таъмирлайдиган марказий синов базаси ишлаб чиқариш корхонаси илғор бригадаси бошлиғи Жўра Алламурзаев ва пайвандловчи Николай Черняк.

Президентимиз томонидан 1997 йил — Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинганлиги, ижтимоий-сиёсий соҳадаги барча ишларнинг шу мақсадга йўналтирилаётганлиги барча юртдошларимизни ҳам ижтимоий, ҳам маънавий манфаатларини кўзлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириш керак бўлган тadbирлар Дастури асосида Тошкент шаҳрининг барча туманларида қилиниши лозим бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, Бектемир туманида ҳам бу борада аниқ режа асосида ишлар амалга оширилмоқда.

Инсон манфаатлари йилида биз тумандаги меҳнаткашларга яратилаётган шарт-шароитлар ва уларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар тўғрисида туман ҳокими Шукрулло ҲИҚМАТОВ билан суҳбатлашдик.

— Инсон манфаати ҳақида қанча ўйласак, қанчалик хайрли ишлар қилсак, албатта кам. Бугунги барча амалга оширилаётган ишларимиз замирида халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилашдек улғу мақсад ётади. Шундай экан бу хайрли ва долзарб ишларимизни рўйбга чиқаришда барчамиз бир тан, бир жон бўлиб хизмат қилмоғимиз керак.


— Шукрулло ҲИҚМАТОВИЧ, маълумки, 1996 йили республикамизнинг иқтисодий жиҳатдан ўсиши учун мустаҳкам пойдевор яратилди. Сўбатимизни тумандаги иқтисодий ва молиявий барқарорлиқни таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳусусида давом эттирсак.

— Меҳнаткаш халқимиз эркин бозор иқтисодиётига асосланган одил жамият, кучли демократик ҳукуқ давлат қуриш йўлидан бораётган экан, аввало бу иқтисодий, молиявий барқарорлиқни таъминлашдан бошланади. Туманимизда ҳам инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги махсус қарор асосида аниқ режалар тузиб, иш олиб борилаяпти. Биргина 1996 йил халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш 120 фоизга ошган бўлса, ушбу кўрсаткич 1997 йилга келиб 179 фоизни ташкил этади. Аммо ҳўжалик моллари ишлаб чиқариш биров сусайганлигини айтиб ўтиш зарур. Чўнки ҳамма вақт ўз ишларингга ижобий кўз билан қарасанг, оқибатда ҳеч нарсага эришолмай қоласан. Бироқ бу пасайишнинг ҳам ўзига яраша айрим сабаблари бор. Улар шундан иборатки, янги тузилган кичик ва хўсўсий қорхоналар ҳали тўла қўвват билан самарали ишламаётганлигидир.

— Ислохотлар жараёни изчил ва тўхтовсиз жараён. Шу боис ҳам у кўн сайин янги муаммолар келтириб чиқаради. Айтингчи, туманда аҳолининг мўносиб ҳаёт кечирishiни таъминлаш юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Инсон манфаатларини таъминлаш фуқароларимизнинг ночор табақалари ва болали оилалардан бошланади.

Бинобарин, бу тўғрида кўп гапириш ёки мисоллар келтириш мўмкин. Яхшиши келинг, кейинги йилларда кўрсатилган айрим ижтимоий ёрдам тўғрисида тўх-



● Бектемирнинг сўлим гўшалари кўзни қўвнатади.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 6 йиллиги олдидан




Инсон
манфаатлари
йили


ЯХШИ

Туманлар
йўқламаси:
БЕКТЕМИР

НИЯТЛАР ИЖОБАТ БЎЛСИН



● «Кўйлик ота» кичик новвойхонаси қўриниши ва новвой Назира Сайданова.



талиб ўтай. 1997 йили ёрдамга мўхтож 973 нафар оилага 3 миллион 216 минг 600 сўм, 5991 нафар кўп болали оилаларга эса 4 миллион 253 минг 820 сўм бюджет ҳисобидан маблағ ажратилди. Шу билан бир қаторда меҳнат жамоаларида хизмат қилаётган ишчиларнинг иш шароитини яхшилашга ҳам катта эътибор қаратиб келмоқдамиз. Уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш билангина чегараланмай, балки ҳуқуқий билимларини ошириш юзасидан иш жойларида ҳуқуқшунослар ёрдамида ўқитиш, тушунтириш ишлари ҳам олиб борилаяпти. Бундай ишлар бевосита барча маҳаллаларда ҳам олиб боришмоқда. Айниқса, Зилол, Бинокор, Бектемир маҳаллаларида қилинаётган ишлар эътиборга сазовордир. Жумладан шу йилда ота-онасиз ёки қаровчисиз 10 нафар болаларнинг сўннат тўйлари тантанали ўтказилиб, уларга кийим-кечаклар, эсдалик совғалари ва ҳар бирига 10 минг сўмдан ёрдам пули тақдим этилди.

Энди туманда яшовчи меҳнаткашларнинг мўносиб ҳаёт кечирishiни таъминлаш борасида қилинаётган ишларга тўхталсак. Анча йиллардан бўён туманининг 30 фоиз аҳолиси қудуқ сувини ичишар эди. Мана шу йили туман ҳудудининг 100 фоизи газлаштирилиб, 97 фоизи ичимлик, водопровод суви билан таъминланди. Яна айрим жойлардаги эскирган электр симлари ва тўсинлар алмаштирилди.

Шўнингдек, аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасига қарашли 5-автобус саройига яқин бир йил ичида ўнлаб «Мерседес-Бенц» ҳамда «Лаз» русумли автобуслар келтирилди. Бу автобуслар нафақат туманимиз, балки шаҳримиз аҳолисининг ўзогини яқин қилишда фаол хизмат қилмоқда.

Бўндан ташқари меҳнаткашларга янада қўлайлик яратиш мақсадида Амир Темур хиббонидан то Водник даҳасигача троллейбус қатновини йўлга қўймоқдамиз. Бу ишларни республикамиз Мустақиллигининг олти йиллик тўйига тўёна сифатида тақдим этишни режалаштирганмиз.

— Ўзбекистон спорти довруғини дўнёга ёйиш, соғлом авлодни камол топтириш, оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш инсон манфаатлари йилидаги ишларимиздан эканлиги яхши маълум. Бу борадаги ишлар кўлами қандай?

— Ёш авлоднинг соғлом камол топиши, унинг ҳам жисмонан, ҳам ақлий баркамол бўлиши учун ётарлича эътибор қаратилган. Туманимиздаги 2 та стадион, 15 та спорт заллари ёшларимиз иштиёрида. Бўндан ташқари барча мактабларда спорт ишлари бўйича зарур шароитлар яратилган. Мактабларда мўнтазам равишда шўғулланиш учун турли спорт тўғарақлари ишлаб турибди. Ҳар йили 100-200 нафар нафақага мўхтож оила болаларига оромгоҳларга бепул йўлланмалар берилмоқда.

Аҳолини дори-дармон билан таъминлаш юзасидан «Дори-дармон» акционерлик жамиятига қарашли

жойлардаги дорихоналар ишлаб турибди. Шўнингдек, барча маҳаллаларда оилавий шифокорлар иш олиб бормоқдалар.

1997 йилда 7402 нафар ҳомилалар аёллар ҳисобда турган бўлса шўлардан 7340 таси, яъни 99 фоизи тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларга керакли ёрдам кўрсатилди. 6152 нафар аёлни кўриқдан ўтказиш ва уларга ётарлича ёрдам бериш кўзда тутилган. Бу хайрли ишларнинг барчаси бизнинг доимий диққат-эътиборимизда.

— Ҳаммамизга маълумки, бугунги кўнда шаҳримизда қурилиш ишлари жадал олиб боришмоқда. Сизнинг туманингизда қандай?

— Қурилиш ишлари бизнинг туманимизда ҳам энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу кўнгача туманимизда бирон-бир касалхона ёки туғруқхона йўқлиги ачинарли ҳол эди. Аҳоли касалхонага бориш учун 15 километр ўзоқликда жойлашган шаҳар марказидаги шифохоналарга катнар эди. Мана бу йилдан бошлаб 150 ўринли шифохона ишга тушади. Шу билан бирга 800 ўринли мактаб ҳамда кўпгина маиший хизмат уйлари қуриб битказилади.

Бўнгунги кўнда аҳолини иш билан таъминлаш масаласи ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади. Шўнга мўвофиқ туман меҳнат биржаси жамоаси яқинда бўш иш жойлари ва вакант ўринлар ярмаркасини ўтказди. Натижада ўша кўни 900 киши ўзи танлаган касблари бўйича ишга қабул қилинди. Ярмаркада туманимиздаги 40 дан зиёд ташкилот ва қорхоналар қатнашди.

Шўнингдек, туманимизда табиатни мўхофаза қилиш борасида ҳам талай ишлар олиб боришмоқда. Туман бўйича «Экология ва саломатлик» кўнларини ўтказиш тadbирлари режаси ишлаб чиқилган. Бу йўналишларда айниқса, халқаро «Экосан» жамғармасининг туман бўлимининг ҳиссаси салмоқлидир.

— Кичик ва ўрта қорхоналар, хўсўсий мўлк эгалари ишлари қандай борапти? Уларнинг маҳсулотлари экспорт таркибига қираяптими?

— Ҳозирги кўнда тумандаги тadbиркорлик тизимида 624 та кичик ва ўрта қорхоналар, фермер ҳўжаликлари ҳамда хўсўсий мўлк эгалари фаолият кўрсатмоқдалар. Шўндан 303 таси хўсўсий мўлкчиликка асосланган фирма ва қорхоналардир. Шўлардан маъсуляти чекланган жамият шаклидаги қорхоналар сони 255 та, кооператив — 11 та, жамоа қорхоналар — 22 та, қолган 33 таси эса мўлкчиликнинг турли шаклидаги қорхоналардир.

Уларнинг маҳсулотларини экспорт таркибига кириштиш учун ишлаб чиқариш базаларини кенгайтириб, янги технологик асбоб-анжомлар билан таъминлаб, жаҳон талабларига жавоб бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш режа тadbирлари асосида иш олиб бормоқдамиз.

Масалан, «Сўвмаш» қорхонаси 1996 йили умумий нархи 73 минг АҚШ доллари миқдоридидаги машина ва асбоб-ускуналарни экспортга чиқарган. «ЗИН-У» қўшма қорхонаси 1996 йил учун 403 минг долларлик тери маҳсулотларини экспортга тайёрлаган. «Иргидромаш» заводи эса 1996 йил учун 265,1 минг долларлик маҳсулотни экспортга чиқарган.

Биз аҳолининг ижтимоий турмуш шароитини яхшилаш учун бошқа чора-тадбирларни ҳам амалга оширмоқдамиз. Бўтун саъй-ҳаракатларимиз Мустақиллигимизнинг 6 йиллигини мўносиб қўтиб олишга қаратилган. Бу яхши ниятлар ижобат бўлишини тилаб қоламан.

Саҳифани Очил ҲАЗРАТОВ тайёрлади.
Суратларни Рўстам Шарипов тасвирга туширди.



● Туманда гольф клуби қурилиши жадаллик билан олиб боришмоқда.



Рўқадатдан ўттиш тартиби: №10. ♦ Буюртма Г.0438. ♦ Ҳажими — 2 босма табоқ оғсет усунда босиланди. ♦ Қозоғ бичими А-2 «Шард» нашриёт матбаа-концерни босмақонаси. ♦ Корхона маънази: «Буқок Турон» қучаси, 41-уй. ♦ Босмаға тошириши вақти 11.30. ♦ 5.818 нусхада босиланди. 1 2 3 4 5 6